

**Марказий банк томонидан “Бутунжаҳон жамғариш куни”  
(World savings day) доирасида ёшлар ўртасида  
“Онлайн омонатларнинг афзалликлари” мавзусидаги видеороликлар  
танловини ўтказиш  
ҚОИДАЛАРИ**

## **1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1.1. Ушбу ҳужжат “Бутунжаҳон жамғариш куни” (World savings day) доирасида видеороликлар танловини (бундан буён матнда Танлов деб юритилади) ташкил этиш ва ўтказишни тартибга солади.

1.2. Ушбу Танлов Марказий банк томонидан ўтказилиб, иштирокчилар яратган информацион видеороликлар орқали молиявий саводхонликни ошириш, базавий банк маҳсулотларидан хавфсиз ва тўғри фойдаланиш ҳамда молиявий хатарлар тўғрисидаги билимлар шакллантириш кўзда тутилган.

1.3. Ушбу Танловда кундалик мақсадларда онлайн омонатлардан фойдаланишнинг асосий вазифалари ва афзалликлари ҳамда моҳиятини моҳиятини очиб берган энг яхши видеоролик аниқланади.

## **2. ТАНЛОВ МАҚСАДИ**

Ушбу Танлов мақсади банкнинг рақамли маҳсулотлари ва хизматлари тўғрисида ахборот ўрганиш, улардан тўғри фойдаланиш, шунингдек ёш авлоднинг рақамли молиявий маданияти даражасини оширишдан иборат.

## **3. ТАНЛОВ УЧУН МАВЗУЛАР**

Танловда 1,5 дақиқагача бўлган қисқа видеофильмлар яратилади.

Танлов иккита ёш категориялари бўйича ўтказилади:

**1 категория – 7-14 ёш**

**2 категория – 15-25 ёш**

Муаллиф видеороликда Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг онлайн омонатлари афзалликлари бўйича ўз тасаввурини ёритиб бериши лозим.

## **4. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

Танлов 7-25 ёшдагилар орасида ўтказилади.

Индивидуал ишлар билан бир қаторда коллектив ишлар ҳам қабул қилинади (бунда масъул шахсни кўрсатиш лозим бўлади).

## **5. ТАНЛОВНИНГ ТЕХНИК ШАРТЛАРИ**

Танлов мавзусидан чиқмаган ҳолда видеороликни исталган техник аппарат ёрдамида суратга олиш мумкин.

Видеороликка қўйиладиган талаблар:

- формати: MP4 h264;
- ўлчамлари – 1080p, 720p (эни бўйича минимал ўлчам 1280 пиксель, баландлиги бўйича минимал ўлчам 720 пиксель);
- давомийлиги – 1,5 дақиқагача;
- видеоролик сюжети иштирокчилар томонидан мустақил белгиланади (хикоя, репортаж, муслиқий клип, мултьфильм ва ҳ.к.).

Тақдим этиладиган ижодий ишларда учинчи шахслар ҳуқуқларини бузувчи, Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид келувчи ҳамда реклама элементларини ўзида мужассам этувчи маълумотлар бўлмаслиги лозим.

## **6. БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ**

Танлов бўйича ҳайъат аъзолари видеороликларни қуйидаги мезонлар асосида баҳолашади:

- ижодий ишнинг эълон қилинган мавзуга мос келиши;
- видеороликнинг креативлиги (янги ғоялар, оригиналлик);
- маълумотларнинг тўлиқлиги;
- эстетик қоидаларга жавоб бериши.

## **7. ТАНЛОВ ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТАСИ ВА ҲАҚАМЛАР ҲАЙЪАТИ**

Танлов ташкилий қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ходимларидан ташкил топади ва қуйидагиларга масъул ҳисобланади:

- иштирокчилардан аризалар ва Танлов бўйича ижодий ишларни қабул қилиш;
- баҳолаш мезонларини аниқлаш ва Танловга тақдим этилган ишлар, материаллар ва ҳужжатлар экспертизасини ташкил этиш, шу жумладан плагиатлик мавжудлигини текшириш;
- танлов ғолибларини рағбатлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- Марказий банкнинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари орқали Танлов тўғрисида маълумотлар бериб бориш.

Ижодий ишларни баҳолаш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки вакилларидан иборат Танлов ҳақамлар ҳайъати тузилади.

Танлов ташкилий кўмитаси муаллифни огоҳлантирмасдан туриб Танлов қоидаларининг 5-банди шартларига жавоб бермайдиган ишларни Танловдан четлаштириш ҳуқуқига эга.

Танловнинг ташкилий кўмитаси Танлов бўйича ҳар қандай ижодий ишларни муаллифларга хабар бермасдан ва ҳеч қандай ҳақ тўламасдан тўлиқ ёки қисман нашр этишга, шунингдек улардан тадқиқот ишлари учун фойдаланишга ҳақлидир.

## **8. ТАНЛОВНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ**

Танлов бўйича ижодий ишлар **2021 йил 26 октябргача** қабул қилинади. **2021 йил 29-31 октябрь кунлари** Танлов натижалари эълон қилинади ҳамда Марказий банкнинг расмий каналларида тегишли маълумотлар жойлаштирилади.

2021 йил 26 октябрдан кейин юборилган Танлов бўйича ишлар Танловда иштирок этишига рухсат берилмайди.

Танловда иштирок этиш Танлов шартларига розиликни англатади.

Муаллиф автоматик тарзда ўз ижодий ишларини Марказий банкнинг расмий каналлари, молиявий саводхонлик бўйича ижтимоий тармоқ саҳифаларида нашр қилишга розилик беради.

### **Ғолибларни саралаш тартиби:**

Танлов бўйича ҳакамлар ҳайъати аъзолари аризаларни қабул қилиш жукунланганидан сўнг ҳар бир номинация бўйича ғолибларни аниқлайди.

Танлов натижаларига кўра иккита ёш категориялари бўйича ғолиблар аниқланади.

5-бандда кўрсатилган шартларга жавоб бермайдиган ижодий ишлар ҳакамлар ҳайъати томонидан кўриб чиқилмайди.

Танлов бўйича ижодий ишларга тақриз берилмайди ва ишлар қайтарилмайди. Танлов жараёнлари ва натижалари бўйича шикоятлар қабул қилинмайди.

Танлов ҳакамлар ҳайъати аъзоларининг камида 60 фоизи Танлов ишларига овоз берган тақдирда натижалар инобатга олинади.

### **Танлов совғалари:**

1-ўрин – телефон;

2-ўрин – smart соат;

3-ўрин – Марказий банкнинг эсдалик кумуш тангаси.

## 9. АРИЗАЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

Танлов иштирокчилари аризалар ва видеороликларни [konkurs.cbu@gmail.com](mailto:konkurs.cbu@gmail.com) электрон почта манзиллига юборишлари (хат мавзусида “World savings day Танлови” деб кўрсатилиши шарт), шунингдек ташқи хотира қурилмалари (флешка, DVD диск ва ҳ.к.) ёрдамида Марказий банк биносига олиб келиб беришлари мумкин.

Қўшимча саволлар юзасидан қуйидаги телефон рақамига мурожаат қилинг: +99871 212-73-56, +99871 212-73-58.

### АРИЗА ШАКЛИ

Иштирокчи (иштирокчилар) Ф.И.Ш.	
Таълим олаётган ўқув юрти (номи, манзили)	
Телефон рақами	
Уй манзили	
Электрон почта манзили	
Мақтаб, коллеж, академик лицей ва олий ўқув юртлари раҳбариятининг Ф.И.Ш., ва телефон рақамлари	